2012 йил 11 декабрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 241 (12.302)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Мустақиллик йилларида 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5-9-синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари жиҳозланди.

Шу билан бирга, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб:

республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади;

олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни кенгайтириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурга киритилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларга мувофиқ сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирликлар, идора ва ижрочи-ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

3. Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети унинг ишчи органи этиб белгилансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Икромов) манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда ҳамда етакчи олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда:

2013 йилнинг 1 мартигача бўлган муддатда ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартлари тасдиқланишини таъминласин;

2013 йилнинг 1 майигача бўлган муддатда умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этилишини, шунингдек, таълимнинг барча босқичларида унинг давомийлигини назарда тутувчи умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларининг янги ўқув режалари ва дастурлари тасдиқланишини таъминласин;

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




*Бугунги кунда ўзбек аёлининг эришаётган муваффақиятлари таҳсинга сазовор. Оила билан бир қаторда ўз кучи, билими ва маҳорати билан юқори чўққиларни забт этаётган аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Йил аёли» миллий танлови мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.*

## ФАОЛ ВА ФИДОЙИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтимиздаги «Уммон» тўйхонасида «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йил аёли – 2012» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Лойиҳа муаллифи, «Аёллар кенгаши» РЖБ Ташкилий Кенгаши раиси Гулнора Каримова «Йил аёли – 2012» номи соҳибаси ҳамда махсус номинациялар ғолибларига бош совринни топширди. Бундан ташқари, шу куни «Меҳр нури» жамғармасининг «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар» ҳамда «Кичик ва ўрта тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга қаратилган грантлар» дастурлари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, илк бор лойиҳа 2007 йилда ташкил этилди ва ёши, касби ва қизиқишларидан қатъи назар, пойтахт ва барча вилоятларда истиқомат қилувчи аёлларнинг эътиборини ўзига тортди. «Йил аёли – 2012» танловининг дастлабки босқичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик соҳаларида самарали меҳнат қилаётган 30 минг нафардан ортиқ аёл иштирок этди. Якуний босқич ғолибини аниқлашда уларнинг билим ва дунёқараши, оилага, фарзанд тарбиясига ёндашуви, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, фаол ва фидойилиги каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

Мазкур танлов якунига кўра Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Элдорбек Аброржон Луқмонович» фермер хўжалиги раҳбари Насиба Нурова ғолиб деб топилди ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда)

Очиқ мулоқот

## ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Илгари хабар қилинганидек, 4 декабрдан бошлаб шаҳримиз туманлари мутасаддилари иштирокида бевосита «Очиқ мулоқот»лар бўлиб ўтмоқда. Уларда туманлар ҳокимлари ва тегишли хизматлар мутасаддилари аҳолидан келиб тушган савол ва мурожаатларга жавоб беришмоқда.

Телестудияга ўрнатилган тўртта телефон орқали ҳар гал кўплаб мурожаатлар қабул қилиниб, мутасаддилар уларга жавоб беришяпти, шу билан бирга барча муаммолар ўз ечимини тезроқ топиши мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида ушбу мурожаатлар бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларнинг ҳал этилиши устида изчил назорат ташкил этилмоқда. Шу масала бўйича алоҳида штаб тузилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамшаҳарларимизга шуни маълум қиладики, бундан буён ўз саволларингизни бериш учун тегишли туман ҳокимликларининг чиқиш вақтларидан олдинроқ **шаҳар ҳокимлигининг веб-сайти info@toshkent.uz ҳамда ҳокимликнинг Ахборот хизмати hokimiyatax@inbox.uz электрон манзилларига исталган пайтда ўз савол ва муаммоларингиз билан мурожаат қилишингиз мумкин.** Ушбу мурожаатлар ҳам штаб базасига киритилади ва ечими назоратга олинади. Бу эса, мисол учун, январь ойига мўлжалланган мулоқотгача саволларингизга ўрин қолдирмаслик имконини бериш билан бирга эфир вақтида ўрнатилган телефон рақамларига баъзан туша олмаслик эҳтимолидан ҳам халос этади.

### Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Туманларнинг «Очиқ мулоқот»да иштирок этиш жадвали асосида белгиланган кунлари соат 19:00 дан 21:00 га қадар юқорида таъкидланган барча масалалар бўйича **214-16-92, 214-16-97, 214-16-98, 214-16-99** телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

| Т-р | Туманлар | “Очиқ мулоқот” куни | Иштирокчилар |
|---|---|---|---|
| 1. | Олмазор тумани | 11.12.12 | Туман ҳокими, ХУЖМШ уюшмаси раҳбари, ободонлаштириш бошқармаси, электр, газ, иссиқлик таъминоти, “Махсустранс” ИЧБ ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари |
| 2. | Сергели тумани | 13.12.12 | |
| 3. | Учтепа тумани | 18.12.12 | |
| 4. | Чилонзор тумани | 20.12.12 | |
| 5. | Юнусобод тумани | 25.12.12 | |
| 6. | Ҳамза тумани | 8.01.13 | |
| 7. | Бектемир тумани | 10.01.13 | |
| 8. | Шайхонтоҳур тумани | 15.01.13 | |
| 9. | Яккасарой тумани | 17.01.13 | |
| 10. | Тошкент шаҳар | 24.01.13 | |

**Эслатиб ўтамиз, фуқароларнинг бирорта ҳам мурожаати эътиборсиз қолмайди.** Энг муҳими **МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМ ТОПИШИДИР.**

Эслатиб ўтамиз, мурожаат қилинганда **фуқаронинг исми шарифи, манзили** ҳамда **телефон рақами** аниқ кўрсатилиши лозим бўлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Қарийб икки километр масофага янгидан қувур ётқизилиб, Кегейли тумани марказидаги А.Пирназаров ва Ш.Еримбетов номли кўчалар аҳолиси учун тоза ичимлик суви келтирилди. Бу иш «Қорақалпоққишлоқхўжаликсувтармоқлари» трестининг Кегейли тумани бўлими томонидан тез ва сифатли бажарилди. «Соржап», «Тўрткўл», «Еркиндарё» овуллари ҳамда «Халқобод» шаҳарчаси сув тармоқларида ҳам реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада ушбу ҳудудларда яшовчи 700 га яқин хонадоннинг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Шунингдек, туманда учта замонавий сув тозаловчи ускуна ўрнатилди, 15,2 километр сув тармоғи янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**● Навоий шаҳрида вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни «Ғолиб-Бекзод» хусусий фирмаси бунёдкорлари қисқа муддатда барпо этишди. Марказнинг олдинги биносида шароитлар талаб даражасида эмасди. Масалан, таҳлил қилиш учун зарур бўлган бактериологик, паразитологик ва санитария-гигиена лабораториялари тарқоқ ҳолда, бири шаҳар ДСЭНМда, иккинчиси Карманада жойлашганди. Бу эса фуқароларнинг тиббий кўрикдан ўтишларида муаммо туғдирарди. Энди эса уларнинг барчаси бир жойга жамланди.**

**● Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкини «The Banker» (Буюк Британия) журнали 2012 йилнинг энг яхши банки, деб эътироф этди ва мазкур нашр асосчиси Бренден Брекеннинг бронза ҳайкалчаси билан мукофотлади.**

### ЖАҲОНДА

**● Европада кутилмаган қор бўронлари ва совуқдан ўнлаб одамлар ҳалок бўлди. Кучли қор ёғиши оқибатида ҳаво ва ер транспортида ҳам муаммолар юзага келмоқда. Ўнлаб рейслар бекор қилинди, Амстердам, Франкфурт, Дюссельдорф, Париж аэропортларининг ишлари қийинлашди. Германия йўлларида фавқулодда вазият пайдо бўлди. Бир суткада у ерда минглаб транспорт тўқнашувлари содир бўлди.**

**● Япониялик муҳандислар бир ўринли вертолёт яратишди. У электр батареясидан қувват олиб парвоз қилади. Унда тезликни соатига 100 километргача етказиш мумкин. Биринчи шахсий вертолёт Нагоя шаҳрида бўлиб ўтаётган кўргазмада намойиш қилинмоқда. У ҳадемай савдога чиқарилади. Бундай вертолётнинг нархини юқори тоифали автомобиллар нархи билан таққослаш мумкин. Унинг баҳоси 125 минг доллардан 400 минг долларгача бўлади.**

**● Британия Кент графлиги полицияси чалкаш ишни текширишига тўғри келди. 75 ёшли аёл ҳуқуқ тартибот идорасига унинг уйига мушук кириб столдаги товуқни олиб кетганлиги ҳақида хабар берди. «Жиноятчи» эгалари бу аризани беъмани деб аташди, шунингдек полиция чақириш товуқдан кўра қимматга тушишини таъкидлашди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Соғ танда — соғлом ақл» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Ёшлар ижод саройида «Тошкент қувончлари» IV Халқаро болалар расмлари биенналеси бошланди.

✓ **МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ** муносабати билан «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки «Энг яхши оилавий бизнес лойиҳаси» танлови ғолибларини эълон қилди.

№ 241 (11.12.12)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этсин;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши ва кучайтирилишини, ўқув якунлари бўйича умумэътироф этилган тестлар (имтиҳонлар) топширилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибида Чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинсин, Марказ ходимларининг сони 12 кишига кўпайтирилсин ва унинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрганувчиларни чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлашни тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, Интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш;

ўрганувчиларнинг мустақил равишда, чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун, тестга тайёрланишларига зарур маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғига жойлаштириш.

Марказнинг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобидан унга юкланган вазифаларни бажариш учун Марказга тўлов асосида мустақил экспертларни ва имтиҳон олувчиларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда, 2015/2016 ўқув йилларидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилни киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат этилади;

мақсадли қабул асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган шахслар, ўқишни битирганларидан сўнг, ўзлари яшайдиган жойларда жойлашган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тавсияномаларида кўрсатилган таълим муассасаларида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда олинган мутахассисликлари бўйича ишлаб беришлари шарт.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг чет тиллар ўқитувчилари ва муаллимларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган рағбатлантирилувчи тўловлар ва қўшимчаларни ҳисоблашда, уларнинг лавозим маошлари таркибига киритган ҳолда қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида уларнинг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари миқдоридаги ҳар ойдаги қўшимчалар қўшиб беришни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази уч ой муддатда, молиялаш манбалари Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, хорижий кредитлар ва халқаро грантлар, шунингдек, ҳомийлар ва хайриячилар маблағлари кўзда тутилган ҳолда, 2013-2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан (қўшимча жиҳозлаш) жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда уни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни таъминласин:

телевидение, шу жумладан маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш;

«ZiyoNet» тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедия ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобиль ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш.

10. 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар, шунингдек, идоравий меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 10 декабрь*

## ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР САРҲИСОБИ

***Тошкентда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасасининг жорий йилги фаолияти ва ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир амалий чора-тадбирларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.***

Он-лайн тартибида ўтказилган анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар, банк ва молия муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридаги жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, салоҳияти ва интилишларини юзага чиқариш учун барча имконият яратилганини таъкидлади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оилаларга янада кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳамюртларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг касбий тайёргарлик даражасини оширишга доир эзгу ишлар кўлами янада ортди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» жамоат ташкилоти вазирликлар, ҳокимлик ва идоралар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат палатаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши каби қатор жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Мазкур ташкилотнинг мамлакатимиз ҳудудларида фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари ташкил этилган. Жорий йилда ушбу марказларга тушган қарийб 4,6 минг мурожаатнинг аксарияти ижобий ечим топган.

Жумладан, 600 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этиш, тадбиркорларга жами 4 миллиард сўмлик кредит беришга кўмаклашилди. Зиёратгоҳлар, мактаблар, маҳаллалар, турар жойларда, болалар майдончаларида ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари бажарилди. Миллий қадриятларимизни эъзозлашга оид маърифий тадбирлар, хайрия акциялари ўтказилди.

Анжуманда мазкур жамоат ташкилотининг истиқболдаги лойиҳалари атрофлича муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда «Соғлом она – соғлом бола» эзгу тамойилини ҳаётга татбиқ этиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни шакллантиришга хизмат қилаётир.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш умуммиллий вазифага айланди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳомиладор аёлларни перенатал скрининг текширувидан ўтказишга жиддий эътибор қаратилаётгани мазкур йўналишдаги ишларнинг мантиқий давомидир. Бу борада Навоий вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир.

Мазкур Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида вилоятда соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш ҳолатларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда чақалоқларни янгича скрининг услуби – тандем масс-спектрометрия усулида текшириш натижасида илгари аниқлаш мушкул бўлган ирсий ва бошқа хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур муолажаларни қўллаш имкониятлари кенгайди. Бугунга қадар ушбу услубда 14 минг нафарга яқин чақалоқ текширувдан ўтказилган бўлса, қарийб 11 минг нафар ҳомиладор аёл скрининг кўригига жалб этилди.

– Скрининг текшируви туғилажак фарзанднинг ирсий касалликларини ва туғма ногиронликни эрта аниқлаш имконини беради, – дейди ЎзА мухбирига Навоий вилояти скрининг маркази директори Лутфия Рустамова. – Марказимиз мутахассислари томонидан ҳомиладор аёлларни скрининг текширувига кенг жалб қилиш ва тиббий кўрикларни ўз вақтида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, эрта ёки қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда. Натижада ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши сезиларли даражада камаймоқда.

Айни пайтда туғма ногиронликни бутунлай бартараф этиш юзасидан қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда оилавий поликлиникалар ходимлари иштирокида кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда. Ўқув муассасалари, маҳалла ва хонадонларда ўтказилаётган тушунтириш ишлари жараёнида аҳолига қариндошлар ўртасида ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, ҳомиладорлик даврида белгиланган муддатда скрининг текширувидан ўтишнинг аҳамиятига доир буклет ва рисолалар тарқатилаётир.

– «Соғлом она – соғлом бола» тамойили асосида жорий йилда 9 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилиб, улар орасидан хавф аниқланганлари билан ўз вақтида ўтказилган тиббий муолажалар туфайли ногирон чақалоқлар туғилишининг олди олинди, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳфуза Ҳамроева. – Тиббий текширувларда ирсий касалликлар ва ногиронлик ҳолати аниқланган ҳолларда ҳомиладор аёллар ва унинг оиласига ирсий хасталикнинг келгуси наслга таъсири ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Халқимизда касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзал, деган ибора бор. Жорий йилда жойларда ўтказилган саломатлик ҳафталикларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолига зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди. Бу, албатта, кўзлаган мақсадимизга эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятнинг олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини, хусусан, ҳомиладор аёлларни пухта тиббий текширувга жалб этиш масаласи доимий эътиборимизда туради. Жумладан, малакали тиббиёт мутахассисларидан ташкил этилган «Саломатлик поезди» вилоятнинг чекка ҳудудларида бўлиши аҳоли саломатлигини муҳофаза этишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда туғиш ёшидаги қарийб 250 минг нафарга яқин аёл тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилган, экстрагенитал касалликлар аниқланганлари диспансер назоратига олинган. Шунингдек, бугунги кунга қадар 240 минг нафарга яқин бола чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўрикдан ўтказилган.

Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида вилоятда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришилмоқда.

**Нуриддин РАҲИМОВ**

**Хайрли ташаббус**

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан пойтахтда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларга юридик ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳамда фаолияти давомида учраётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида назорат қилувчи органлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Тадбиркорлар куни» тадбири бўлиб ўтди.***

Унда пойтахтда ишлаб чиқариш, саноат, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш, қурилиш, тиббиёт, чакана ва улгуржи савдо соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда Учтепа туманидаги «DIMAX SANOAT SAVDO KORGAZMA BIZNES MARKAZI» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси миқёсида нодавлат нотижорат шаклида қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар уюшмасини ташкил этиш, Яккасарой туманида фаолият юритаётган «Корхона атторлик ўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамияти чет эл сармоясини киритиш шарти билан бинолар ажратилиши каби таклифларни билдирдилар. Ҳамза туманидаги «SHAFAK-TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси томонидан фаолияти давомида лицензия муддатини узайтириб бериш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда жойнинг кичиклиги масаласи кўтарилди.

Шунингдек, Мирobод туманидаги «HAMKOR NUR SAVDO» масъулияти чекланган жамияти шаҳар ташқарисида янги савдо мажмуаси қуриш учун жой ажратилиши, хом ашё маҳсулотларини сотиб олишда «Туркистон банки» томонидан корхонага накд пул олишда муаммо мавжудлиги каби масалаларни кўтарди. Олмазор туманида рўйхатдан ўтган «BILTAHS» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш жараёнида электр тармоқларида узилиш ҳолатлари юз бериб тургани ҳамда ёзги мавсумда совуқ сув ва канализацияга уланишда муаммолар борлигини маълум қилди.

Ҳозирда «Тадбиркорлар куни»да кўтарилган барча масалалар Савдо-саноат палатасининг шаҳар бошқармаси томонидан мониторинг қилиниб, назорат қилувчи орган ва идоралар билан уларни ҳамкорликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, туман ҳокимликлари биносида ҳам ҳар жума кунлари бошқарманинг туман филиали ва Ахборот маслаҳат марказлари томонидан назорат қилувчи органлар ва бошқа мутасадди ташкилотларни жалб қилган ҳолда «Тадбиркорлар куни» ўтказиб келинмоқда.

Бундай тадбирлар бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, кичик ва хусусий бизнесга кенг эркинлик бериш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти давомида учраётган барча муаммолар ечимига кўмаклашишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Шаҳнозахон ҚУДРАТХЎЖАЕВА**



## ФАОЛ ВА ФИДОЙИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бундан ташқари «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш гранти» ҳамда «Кичик ва ўрта тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш гранти» дастурлари ғолибларига сертификатлар топширилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида алоҳида эҳтиёжли оилаларга кўрсатилаётган моддий кўмак ҳажмини янада кенгайтириш, ҳамюртларимиз, айниқса, хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга жорий этиш учун яқиндан кўмаклашишга доир эзгу ишлар ҳажми тобора ортди. «Меҳр нури» хайрия жамғармасининг «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш гранти» дастури оилавий бизнесни йўлга қўйиш истагидаги аёлларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, «Кичик ва ўрта тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш гранти» дастури деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳаларга оид илғор ғояларни молиялаштириш йўлида ташкил этилди.

Ҳар икки дастур бўйича мамлакатимизнинг барча вилоятларида «Меҳр нури» жамғармаси нуфузли ҳакамлар ҳайъати билан ҳамкорликда тадбиркор ва фермерлар учун маҳорат дарслари, семинарлар ўтказиб, улар доирасида саралаш босқичларидан ўтган иштирокчилар ўз бизнес-режаларини тақдим этишди. Икки дастур бўйича маҳорат дарсларида 3 мингдан ортиқ киши иштирок этганини айтиш мумкин. Натижада ҳар икки дастур бўйича 15 нафардан ғолиб танлаб олинди. Тадбирда ғолибларга сертификатлар топширилди.

Тадбирга концерт дастури ўзгача файз бағишлади. Элимизнинг севимли санъаткорлари – Зулайҳо Бойхонова, Озодбек Назарбеков, Алишер Файз, Райҳон, Муниса Ризаева, «Сато» гуруҳи ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма номидаги Халқаро маданият карвон саройида «Мустаҳкам оила йили» ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган «Конституция — бахтимиз Қомуси» мавзусида давра суҳбати ва ижодий ишлар танлови бўлиб ўтди, талабалар асарлари қўйилган кўргазма очилди. Тадбирни Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ва Икуо Хираяма номидаги Халқаро маданият карвон саройи ташкил этишди.***

**Тадбирлар**

## ЁШ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Давра суҳбатида сўзга чиққан сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраев, Ўзбекистон Бадиий академияси Бош илмий котиби Абдумажид Мадраимов, Миллий рассомлик ва дизайн институтининг маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия ишлари проректори Дилфуза Раҳматуллаева ва бошқалар инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш тамойилларини ўзида мужассам этган Конституциямиз жамиятимиз тараққиёти асоси эканлиги, унинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, Конституция асосида қабул қилинган қонунлар ҳақида ҳаётий лавҳалар асосида атрофлича фикр юритдилар. Институт магистрлари Насиба Зоирова ва Санжар Фармоновлар давра суҳбатидаги ўз чиқишларида Конституция ва қонунларимизнинг оиладаги ўрни, ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчи ва вазифалари, фарзандларнинг ота-оналар олдидаги мажбуриятлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайннинг барча жанрларида Конституцияда белгиланган моддаларни ўзида акс эттирган турли мавзулардаги ижодий ишлари танлови ҳам ўтказилди. Танлов совриндорлари фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Талабаларнинг сара асарлари қўйилган экспозициядан танловда ғолиб бўлган Рухсора Каримова (1-ўрин), Садоқат Жангирова (2-ўрин), Бобур Худойбердиев (3-ўрин)ларнинг «Кема», «Тинчлигимиз ҳимояси», «Виждон эркинлиги» каби асарлар ҳам ўрин олган.

Биз кўргазма қатнашчиси, танловда биринчи ўринни эгаллаган институтнинг IV босқич бакалаври Рухсора Каримовани суҳбатга тортдик. Унинг танловда совринли ўринни олган «Кема» номли сурати Конституциянинг 8-моддасига бағишланган бўлиб бу мавзуни танлаш сабаби тўғрисида шундай деди: «Бизнинг мамлакатимиз кўп миллатли, Конституциямизнинг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил қилади», дейилган. Юртимизда турли миллатларнинг тинч-тотув яшаётганлиги нафақат Конституция ва қонунларда, балки ҳаётда амалдаги тенг ҳуқуқлилиги мени руҳлантирди. Кўтаринки руҳ мени шу мавзудаги расмни чизишга ундади». Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаси шу йилнинг 17 декабригача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**





**Ўқув муассасаларида**

# АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИГА МЕҲР УЙҒОТИБ

***Мактабларда болаларга ўзбек амалий безак санъатидан сабоқ бериш ўқувчиларни эстетик руҳда меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, уларнинг изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини ошириш, санъатга, ҳунарга, миллий қадриятларга бўлган қизиқишларини кучайтиришда муҳим омил бўлади. Шу боис мактабларимизда ушбу масалага муҳим эътибор қаратилади.***

Мирзо Улуғбек туманидаги 241-умумий ўрта таълим мактабида меҳнат, мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари бўйича туман ўқитувчилари семинари доирасида ўтказилган «Сервис хизмати» йўналиши ўқитувчиси Гули Маҳкамова ҳамда тасвирий санъат фани ўқитувчиси Насиба Назароваларнинг дарс-ишланмалари ҳам «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...» мавзусига бағишланди.

6-синф ўқувчилари ўртасида уюштирилган ушбу дарс давомида ўқитувчилар болаларга авваламбор миллий дўппиларнинг Марғилон, Тошкент, Чуст, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё турлари мавжуд эканлиги ҳақида маълумот бердилар. Сўнг дўппи тикиш технологияси, ўзбек миллий дўппиларининг эскизларини чизиш, уларни тайёрлаш учун кетадиган материаллар ва ишлатиладиган нақшлар тўғрисида батафсил тушунтириб ўтишди. Сўнг ўқувчиларнинг ўзлари устозлари ёрдамида катта қизиқиш билан дўппи тикишга ҳаракат қилдилар.

Ўқувчиларнинг фаол иштироки, савол-жавоблар остида ўқиган дарс давомида ўйлаймизки, ўқитувчилар ўз олдиларига қўйган мақсад — ўқувчиларга миллий руҳни сингдирган ҳолда уларда бадиий дид ва нафосат туйғусини шакллантириш, шунингдек меҳнат кўникмасини кенгайтиришга эришдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...» тадбиридан лавҳалар**

***«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан Камолиддин Беҳзод номли мемориал боғ-музейида Ўзбекистон Бадиий академияси ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташаббуси ҳамда Камолиддин Беҳзод мемориал боғ музейи, «Экосан» халқаро фонди, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Бу замин — менинг Ватаним» мавзусида ижодий ишлар танлов-кўргазмаси ташкил этилди.***

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# ИЖОДИЙ ИШЛАР ТАНЛОВИ

Танловда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ўз асарлари билан қатнашдилар. Танловга тақдим этилган ишлар тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайннинг барча бадиий жанрлари ва турли мавзуларда бўлиб, уларда Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, меъморий-тарихий ёдгорликлар, миллий урф-одатлар, қадриятларимиз, маҳаллаларнинг эски кўринишлари, оила, яшаш тарзимизнинг айрим қирралари, турли ёшдаги инсонлар сиймолари, замонамиз қаҳрамонлари, Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор табиати, йил фасллари, натюрмортлар тасвирланган. Уларда биз устоз рассомларнинг реалистик мактаб анъаналари давомийлигини, бадиийликка интилишни кўрамиз. Экспозициядан пойтахтимизнинг ўтмиши ва бугуни меҳр билан тасвирланган қатор асарлар ҳам ўрин олган.

Танлов натижаларига кўра ғолиблар Гран-при, диплом, фахрий ёрлиқ ва ҳомийларнинг совғалари билан тақдирландилар.

**Ҳусан АБДИЕВ**

**Футбол**

# ЧЕМПИОНАТ МУРОСАСИЗ КУРАШЛАРГА БОЙ ЎТДИ

***Мана, ниҳоят минглаб, миллионлаб футбол мухлисларини ҳаяжонга солган, гоҳида қувонтириб, гоҳида ранжишларига сабабчи бўлган мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган жорий йилги мавсум ҳам якунига етди.***

Ушбу мавсумда профессионал футбол лигасида 14 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Пойтахтимиз шарафини эса «Бунёдкор», «Пахтакор» ҳамда «Локомотив» жамоалари муносиб ҳимоя қилишди.

Айтиш жоизки, ушбу чемпионатда совринли ўринлар учун 6-7 команда муросасиз кураш олиб боргани чемпионат савияси анча кўтарилганлигини билдиради. Дарвоқе, жорий йилда совриндор жамоалар номи сўнгги турдан кейингина маълум бўлди. Шунингдек, таркиб жиҳатидан энг ёш команда ҳисобланган «Пахтакор» тўрт йиллик танаффусдан сўнг яна Ўзбекистон чемпиони деган юксак номни қўлга киритди. Амалдаги чемпион «Бунёдкор» иккинчи ўрин билан кифояланган бўлса, кучли учликдан пойтахтимизнинг бошқа бир клуби — «Локомотив» ҳақли равишда ўрин эгаллади.

Йил бошидан совриндор бўлишга интилган «Насаф», «Шўртан» ҳамда «Нефтчи» жамоалари 4,5,6-ўринлар эгаси бўлишди.

Профессионал футбол лигаси баҳсларини анча бўш ўтказиб, мухлисларини ранжитган, илгари мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан ҳисобланган «Машъал» ва «Андижон» турнир жадвалида энг қуйи поғоналарни эгаллашди. Эндиликда бу жамоаларнинг келаси йилдан биринчи лигада тўп суришларига тўғри келади.

«Нефтчи» командаси ҳужумчиси Анвар Бердиев жорий йилда рақиблар дарвозасини 19 марта аниқ нишонга олиб тўпурар бўлди.

Профессионал футбол лигаси жамоалари ўринбосарлари орасида ҳам жорий йилги чемпионатда «Пахтакор» турнир жадвалининг энг юқори поғонасини эгаллаганлиги мазкур команда футболчиларининг мавсумга пухта тайёргарлик кўрганликларидан далолат беради.

Ёшлар орасида «Пахтакор»дан кейин фахрли 2,3-ўринлар «Нефтчи» ва «Андижон»га насиб этганлигини эслатиш лозим.

Келгуси йили уюштириладиган Осиё чемпионлар лигаси турнирида энди «Пахтакор» ва «Бунёдкор» юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Биз уларга омад тилаб қоламиз.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги чемпионатнинг муросасиз, шиддатли ва қизиқарли курашга бой бўлганлигини таъкидлаган ҳолда келгуси йилги мавсумнинг бундан-да ажойиб ўтишини истаймиз.

Энди эътиборингизга якуний турнир жадвалини эълон қиламиз.

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 26 | 18 | 5 | 3 | 51-16 | 59 |
| 2. «Бунёдкор» | 26 | 17 | 6 | 3 | 42-16 | 57 |
| 3. «Локомотив» | 26 | 14 | 7 | 5 | 42-22 | 49 |
| 4. «Насаф» | 26 | 14 | 7 | 5 | 37-20 | 49 |
| 5. «Шўртан» | 26 | 12 | 4 | 10 | 38-33 | 40 |
| 6. «Нефтчи» | 26 | 10 | 7 | 9 | 36-29 | 37 |
| 7. «Бухоро» | 26 | 10 | 5 | 11 | 25-31 | 35 |
| 8. «Олмалиқ» | 26 | 9 | 4 | 13 | 39-46 | 31 |
| 9. «Динамо» | 26 | 9 | 2 | 15 | 27-29 | 29 |
| 10. «Металлург» | 26 | 8 | 5 | 13 | 32-46 | 29 |
| 11. «Қизилқум» | 26 | 6 | 9 | 11 | 21-41 | 27 |
| 12. «Навбаҳор» | 26 | 6 | 8 | 12 | 19-34 | 26 |
| 13. «Машъал» | 26 | 6 | 5 | 15 | 20-42 | 23 |
| 14. «Андижон» | 26 | 4 | 4 | 18 | 28-53 | 16 |

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур**

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Муаммони кўпинча йўқ ердан ўзимиз яратамиз.**

* * *

**Эҳтиёткор олдиндан ўз тайёргарлигини кўриб қўяди.**

* * *

**Дард ҳам ўзидан қўрққанга ёпишади.**

* * *

**Ким учун идеал бўлган нарса ким учун фожиа бўлиши мумкин.**

* * *

**Кўпчиликнинг бошини қовуштириш осон иш эмас.**

* * *

**Тасаввур баъзан ҳақиқатдан кучли.**

* * *

**Одамзод шу ўзи: на иссиққа чидайди, на совуққа.**

* * *

**Бутун фикри-зикри пул топишга қаратилган киши ҳамма нарсани пулга чақиши тайин.**

* * *

**Соғлиқ ишонч бағишлайди, касаллик шубҳа туғдиради.**

* * *

**Иши битганни излаб тополмайсан.**

* * *

**Бемаъни характер йўлингни боғлайди.**

* * *

**Ҳамма ҳам бошқаларга ҳавас қилади.**

* * *

**Билмаган алданади.**

* * *

**Қўрқоқ – ваҳима фарзанди.**

* * *

**Соддадан фойдаланадилар.**

* * *

**Бу дунёда ҳар ким ўзи учун жавоб беради.**

* * *

**Қўрқув туйғуси инсонни емиради.**

* * *

**Адоват тиғи икки учли бўлади: тутганни ҳам, йўлиққанни ҳам кесади.**

* * *

**Ақлли бошда шубҳа бўлмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



SAVDOGARBANK

*Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки юртимиз аҳолисига қуйидаги омонат турларини таклиф этади:*

**Миллий валютадаги омонатлар:**

| Омонат номи: | Муддати: |
|---|---|
| «Мустаҳкам оила» | 12 ой |
| «Коммунал тўлов» | камида 6 ой |
| «Хазина» | 6 ой |
| «Ёз саховати» | 2 ой |
| «Келажакка сармоя» | 6 ой |

**Хорижий валютадаги омонатлар:**

| Омонат номи: | Муддати: |
|---|---|
| «Комфорт» | 3 ой |
| «Универсал» | 6 ой |
| «Элит» | 12 ой |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланади.

**Ишончли ва мустаҳкам ҳамкорлик учун — Омонатлар. «Савдогарбанк»**

*Омонат очиш учун Савдогарбанк филиалларига мурожаат этинг!!!*
Тел: 8(371) 215-50-29

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

Сиз суд ижрочилари томонидан қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекциясига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Ишонч телефонлари рақамлари:

Суд департаментининг марказий аппарати Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 237-61-86.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 235-92-40.

Мурожаат этган шахс исм-шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **12 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб қорга айланиш эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража илиқ, кундузи — 5-7 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1241
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4795 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5